

## АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- 2025 йилнинг биринчи ярим йил якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 12,02 триллион сўм (933,33 миллион доллар)ни ташкил этди, бу 2024 йилнинг биринчи ярим йилига нисбатан 11,30 триллион сўмга ёки 17 баробарга кўпдир.
- Ушбу ҳажмнинг 5,80 трлн сўм (451,31 млн доллар)и ёки 48,26 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Қолган ҳажми уюшган биржадан ташқари бозорда (листингдан ташқари савдо майдончаси, ЛТСМ) тузилган битимлар ҳисобига шаклланди.
- Тузилган битимларнинг умумий сони 214 851 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг биринчи ярми якунларига нисбатан 59 515 тага ёки 21,69 фоизга камайди. Шундан биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан 181 905 та битим, уюшган листингдан ташқари бозорда эса 32 946 та битим тузилди.
- Ўртача кунлик савдолар ҳажми 97,69 млрд сўм (7,59 млн доллар)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 747 тани ташкил этди.
- Давр якунларига кўра, UCI индекси 2,35 фоизга пасайиб, 639,75 пункт даражасида ёпилди

## БОЗОР ШАРҲИ

### АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 5,31 трлн сўм (413,00 млн доллар)ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,92 трлн сўмга ёки 14 баробарга ошган. Савдоларнинг асосий ҳажми (5,09 трлн сўм) пулсиз хисоб-китоблар платформаси (Free of Payment Board, FoP) ҳиссасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 43,13 млрд сўм (3,36 млн доллар)ни, битимларнинг ўртача кунлик сони эса 1 445 тани ташкил этди.

Акцияларнинг бозор капиталашуви 354,23 млрд сўмга ёки 0,15 фоизга ошиб, 242,77 трлн сўм (19,19 млрд доллар)ни ташкил этиб, эркин муомалада бўлган акцияларнинг (free float) бозор капиталашуви эса 4,09 трлн сўмни ташкил этди.

Ярим йил якунлари бўйича Биржанинг биржа котировкалаш варағида 93 та акция эмитентининг 135 та инструментлари мавжуд эди.

### Акция бозорининг асосий кўрсаткичлари.

|                              |         | 2021    | 2022      | 2023      | 2024    | 2025      |
|------------------------------|---------|---------|-----------|-----------|---------|-----------|
| Савдо ҳажми                  | млн сўм | 829 532 | 3 316 488 | 2 016 378 | 385 330 | 5 305 384 |
| Ўртача кунлик савдо ҳажми    | млн сўм | 6 636   | 27 637    | 16 664    | 3 185   | 43 133    |
| Битта битимнинг ўртача ҳажми | млн сўм | 25      | 80        | 15        | 2       | 30        |
| Битимлар сони                | дона    | 32 582  | 41 435    | 133 233   | 245 022 | 177 708   |
| Ўртача кунлик битимлар сони  | дона    | 261     | 345       | 1 101     | 2 025   | 1 445     |

| Эмитент                            | Тиккер | Ёпилиш нархи, бир акция учун (сўм) |            |         | Савдо ҳажми, млн сўм      |                           | Битимлар сони             |                           |
|------------------------------------|--------|------------------------------------|------------|---------|---------------------------|---------------------------|---------------------------|---------------------------|
|                                    |        | 03.01.2025                         | 30.06.2025 | Δ, %    | 2024 йил I<br>ярим йиллик | 2025 йил I<br>ярим йиллик | 2024 йил I<br>ярим йиллик | 2025 йил I<br>ярим йиллик |
| O'zRTXB                            | URTS   | 3 600,00                           | 4 200,00   | 16,67%  | 6 854,35                  | 9 750,55                  | 5 881                     | 13 164                    |
| Universal bank                     | UNVB   | 9 000,00                           | 9 500,00   | 5,56%   | 7 624,35                  | 7 023,80                  | 993                       | 329                       |
| Elektrqishloqqurilish              | EQQU   | 369 000,00                         | 369 000,00 | 0,00%   | 5 709,09                  | 3 515,17                  | 155                       | 104                       |
| Hamkorbank                         | HMKB   | 24,59                              | 25,35      | 3,09%   | 1 056,24                  | 3 220,83                  | 8 613                     | 5 417                     |
| O'zmetkombinat                     | UZMK   | 4 181,00                           | 4 000,00   | -4,33%  | 3 381,47                  | 1 462,64                  | 4 504                     | 2 354                     |
| O'zbektelekom                      | UZTL   | 3 911,00                           | 5 490,00   | 40,37%  | 2 476,99                  | 1 398,77                  | 11 732                    | 4 827                     |
| Chilonzor buyum<br>savdo kompleksi | CBSK   | 1,99                               | 2,23       | 12,06%  | 1 387,83                  | 1 028,93                  | 10 504                    | 9 763                     |
| Qizilqumsement                     | QZSM   | 1 495,01                           | 1 150,00   | -23,08% | 1 276,15                  | 959,51                    | 5 578                     | 7 495                     |
| O'zbekinvest                       | UZINP  | 1 100,00                           | 1 103,00   | 0,27%   | 575,63                    | 671,31                    | 2 918                     | 2 035                     |
| Biokimyo                           | BIOK   | 21 000,00                          | 18 000,00  | -14,29% | 554,07                    | 463,00                    | 930                       | 634                       |

\* Акциялар бозори битимлари ҳажми бўйича қимматли қоғозларнинг Топ-10 талиғи, "Main-Board"

UCI ИНДЕКС

Ярим йиллик якунларига кўра, UCI индекси 2,35% га пасайиб, 639,75 пункт даражасида ёпилди.

2025 йил I ярим йиллик учун UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 493,10 млрд сўм (38,31 млн доллар)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 433,46 млрд сўмга ёки 8 баробардан кўпроққа ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 4,01 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 34 тани ташкил этди.


Биржа котиrowкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,46 трлн сўм (115,48 млн доллар)ни ташкил этди.

Ярим йиллик якуни бўйича Биржанинг биржа котиrowкалаш варағида 17 та облигациялар мавжуд эди.

Облигация бозорининг асосий кўрсаткичлари.

|                              |         | 2021   | 2022   | 2023   | 2024   | 2025    |
|------------------------------|---------|--------|--------|--------|--------|---------|
| Савдо ҳажми                  | млн сўм | 56 076 | 30 575 | 75 797 | 59 641 | 493 101 |
| Ўртача кунлик савдо ҳажми    | млн сўм | 449    | 255    | 626    | 493    | 4 009   |
| Битта битимнинг ўртача ҳажми | млн сўм | 279    | 2 038  | 483    | 47     | 117     |
| Битимлар сони                | дона    | 201    | 15     | 157    | 1 260  | 4 197   |
| Ўртача кунлик битимлар сони  | дона    | 2      | 1      | 1      | 10     | 34      |

Облигациялар картаси



## **ЛИСТИНГ**

Ярим йил якунлари бўйича биржа котировкалаш варағида 101 та эмитентнинг 152 та инструментлари мавжуд эди.

Ҳисобот даврида 11 та эмитентнинг 13 та янги инструментлари - 5 та корпоратив облигациялар ва 8 та акциялар чиқарилуви киритилди.

## **ЛИСТИНГДАН ТАШКАҒИ САВДО МАЙДОНЧАСИ**

I ярим йил якунларига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 32 946 та битим тузилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,33 фоизга кўпдир.

Савдолар ҳажми 6,22 трлн сўм (482,02 млн доллар)ни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 баравар кўпдир.

165 та эмитентнинг қимматли қўғозлари битимлар объекти бўлди.